



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

# БУХОРО МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Халқаро илмий-амалий конференция

# МАТЕРИАЛЛАРИ



18-oktabr 2021-yil



1.4. S. Bo'latov. O'zbek xalq amaliy bezak san'ati. Toshkent, Mehnat, 1994 yil.  
1.5. Abdullayev N.U. "San'at tarixi". 1-tom. Toshkent. O'qituvchi, 1986 yil.

## БУХОРО АМАЛИЙ САНЪАТИДА МУМТОЗ КОМПОЗИЦИЯЛАРНИНГ АКСИ

Хақимова Г.А.- БухДУ "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси"  
кафедраси катта ўқитувчиси  
Жабборова Гўзал Одидовна- 12-1ХАБС-20 гуруҳ талабаси

*Бул Бухоро чашмаи ирфон ерур,  
Ким бухорийдур, азиз инсон ерур  
Жалолиддин Румий*

Ўзбек халқининг ажодлари томонидан уч минг йил мукаддам юртимизда ҳосил солинган Бухоро шаҳри нафақат Ўзбекистон ёхуд Марказий Осиё минтақаси, балки жаҳон тарихидаги энг кўҳна ва қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Қадимий Бухоро азалдан ўзининг тарихий обидалари, халқ хунармандчилиги, қўли тул усталари ва уларнинг ижод маҳсули билан дунёга танилган. Бухорон шариф минг йиллар давомида тамаддун ўчоқларидан бири сифатида, ўзининг шонли ўтмиши, олиму-фузалолари, бетакрор меъморий обидалари, ҳамда ажойиб хунармандчилиги ва халқ амалий санъати билан бугун дунёни лол қолдириб келган.

Шаҳар ва унинг атрофида XV-XIX асрлар давомида юздан ортиқ халқ хунармандчилиги ва амалий санъат турлари ривожланиб, буюк ишак йўли орқали бутун жаҳонга ёйилган. Энг олий неъмат бўлмиш мустақиллик, бизга ўзлгимизни, инсоний кадр-қимматимизни, она тилимизни қадрият ва анъаналаримизни қайтариб берди, шунинг билан бир қаторда Бухоро халқ амалий санъати ҳам мустақиллик шарофати ила қайта тикланди. Неча асрлардан буён сайқалланиб келаётган Бухоро халқ амалий санъатида ўзининг бекиёс ўрнига эга бўлган зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, кулолчилик, мисгарлик, қандакорлик, каштачилик, темирчилик, ганч ўймакорлиги, гилам тўкиш каби амалий санъат турлари катта сўтибор остида. Асрлар давомида халқ усталари томонидан яратилган ноёб буюмлар, халқнинг маиший ҳаёти билан боғлиқ ҳолда, унинг эстетик ва маънавий еҳтиёжларига жавоб бўлиб келган.

Заргарлик бадий хунармандчиликнинг қимматбаҳо ва рангли металллар ва тошлардан аёлларга тақинчоқлар, безак буюмлари ясашдан иборат. Халқ орасида "Дунёда яққаю ягона аёл зоти бўлса ҳам, заргарга иш топилади", деган нақл бор. Ўзбекистон анъанавий заргарлик санъати ўзига хос ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Баъзи усталаримиз ноанъанавий йўналишда ижод қилиб, заргарлик санъати ўзининг ривожланиш босқичларида бир қатор мактабларни шакллантирди.

Ушбу мактабларга хос буюмлар бир - бирдан қўлланиладиган ашёси, йўналиш ва буюмларнинг шакллари билан фарқ қилади. Шу сабабли ҳозирда ижод қилаётган заргар усталар учун анъаналарни ўрганиш, ривожлантириш ва янги йўналишларни кашф этишлари борасида қатор имкониятлар мавжуд.

Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида заргарлар ҳақида нодир маълумотлар келтирилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, бошқа

хунармандчилик каторида Бухоро заргарлик санъати қайта жонланди. Шу сабабли Бухоро заргарлари бутунги кунда самарали фаолият кўрсатиб келмодалар. Усталар асосан 2 йўланишда: унутилиб бораётган қадимий маҳаллий заргарлик анъаналарини қайта тиклаш ва замонавий услубда заргарлик буюмларини яратиш устида ижод қилмоқдалар. Заргар усталар қадимий Бухорога хос заргарлик анъаналарини ўрганиш, қайта тиклаш, ривожлантириш ва янги йўналишларни кашф этиш борасида қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Бухоро мактабининг қадимий ва янги чизгилари бир-бирига уйғунлаштирилиб, янги замонавий заргарлик буюмлари яратилмода.

90-йилларга келиб Ўзбекистонда анъанавий қадриятлар тизимининг қайта тикланиши билан боғлиқ жараёнлар бадий ва маданий ҳаётни жонлантириб, халқ усталари ижтимоий мақомининг юксалишига олиб келди. Бу ижодий ўзгаришлар хунармандчиликнинг тўқимачилик турида ҳам акс эта бошлади. Ипакдан газлама ва гилам тўқиш санъати тарихи буюк ипак йўлига бориб такалади.

Буюк ипак йўлидаги тўқимачилик марказларидан бири Бухородир. Х асрда яшаб ўтган машҳур тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида таъкидланишича, Мовароуннахрнинг бирор шаҳрида ипакдан Бухородагидек ажойиб ва сифатли мато тўқилмаган. Бухороликлар пилладап майин ипак ишлаб чиқариш ва ундан мато тайёрлашни қадимдан Хитойликлардан ўрганиб, ундан шойи, адрас ва алоча каби, антиқа матоларни тўқишган. Бухорода тайёрланган шойи мато ва ундан тикилган тайёр кийимлар Хоразм, Эрон ва Яқин шарқ мамлакатларнинг мавкега эга бўлиб, Хитой технологиясини ривожлантириб, матони ранглашда янгилик киритилган. Ипак толаларини бўяшда маҳаллий, табиий ўсимликлардан кенг фойдаланишган, хитойликлардан ҳам ўзиб, ўта майин ва мустаҳкам тола олишга эришиб, ўз ипак матоларини Ҳиндистон ва Хитойга экспорт қилишган.

Бухоро ипак гиламлари ҳамма вақт ўзининг ранг-баранглиги ва нақшларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Ажратиб олинган ипак толаларини бўяшда мутлоқ табиий бўёқлардан фойдаланилади. Зотан, бадий тўқимачиликнинг ўзига хослиги, унинг халқ амалий-безак санъатининг бошқа кўпгина турларидан фаркли равишда, бутунги кунда ҳам ўзининг турмушдаги аҳамиятини сақлаб олганлигидадир.

Матоларнинг безакларини шакллантиришда XVIII-XIX аср анъаналаридаги чизгилар ва XX асрда пайдо бўлган янги тасвирлар ишлатилган. Булар жумласига «тароқи», «ўроқи», «қосагул», «ногора», «чарим», «илон изи», «шоти», «капа» каби тасвирларни киритиш мумкин.

XX асрда пайдо бўлган «Хосиятхон», «Гулнора», «Баҳор», «Мустақиллик», «Амир Темур», «Наврўз капалаги», «Ғалаба», «Фаргона дарвозаси» кабиларни киритиш мумкин. Уларнинг маънолари ўз номларидан ва тасвир услубидан сезилиб туради. Маргилонлик замонавий усталар нафақат Фаргона водийси, балки Бухоро, Самарқанд мактаблари тажрибаларидан фойдаланишган. «Бухоро нусхаси» ва «Тунги ёғду» деб номланган матоларда, Бухоро ва Самарқанд матоларига хос услублар бор. Матонинг ҳар бир туридаги безак тизимининг тарихий - бадий тажрибасини чуқур ва жиддий ўрганиш, фикрлаш замон талабидир.

90-йилларда Ўзбекистонда матога гул босишнинг ўзига хос ривожланиш босқичи бўлди, амалий безак санъатининг энг кўҳна турларидан ҳисобланган,

...гога гул босиш санъати, 1980-йиллардан бошлаб, ота-боболарнинг касбини  
...вонм эттирган тошкентлик усталар Раҳимовлар ижодида қайта тиклана бошлади.  
...тунги кунга келиб Бухорода адрас тўкиш соҳасини қайта жонлантиришга изк  
...кўчим кўйганлардан бири "Шухрат" медали соҳиббаси Баҳшанда Файзиёвадир. У  
...р неча йўқолиб бораётган адрас турларини ва нақшларини қайта тиклашга  
...ишди. Ипак гилам тўкиш соҳасида ёш ва ғайратли хунарманд Қосимов  
...утбекнинг ҳам салмоғли ҳиссаси бор.

Каштачилик - кашта тикиш касби, амалий санъатнинг қадимий соҳаларидан  
бири бўлиб келган. Археологик топилмалар каштачиликнинг деярли барча  
халқларда қадимийлигини, иқлим, табиий шароит, муҳит билан боғлиқ ҳолда ҳар  
бир халқнинг маданияти, санъати, касб-хунар турлари билан бирга, уларнинг  
таъсирида ривож топганини кўрсатади. Каштачиликнинг пайдо бўлиши теридан  
қилинган кийимларда чокларнинг юзага келиши билан боғлиқ. Каштачилик  
таракқиётини қадимги Осиё, Европа, Америка маданий ёдгорликлари, абадий  
манбалардаги кашталар тасвирида, шунингдек, сақланиб қолган каштачилик  
намуналарида кузатиш мумкин. Каштачилик маҳсулотларининг энг қадимий  
нусхалари сақланиб қолмаган.

Ўзбек каштадўзлари буюм безакларида амалий безак санъатининг бошқа  
турларидаги нақшлардан андаза олганлар, кашталарда ўсимликсимон тасвирлар,  
шоҳ, гулбанд, гулдаста кўп учрайди. Нақш композициясида асосий безак матонинг  
ўртасида бўлиб, хошиялар кўшимча безак ҳисобланади. Каштачилик - Бухоро  
амалий безак санъати турлари орасида ўзининг қадимий анъаналарига эга бўлган  
санъат туридир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида кашта тикиш машинасининг ихтиро қилиниши,  
оммавий равишда қўл меҳнати ўрнига стандарт маҳсулотларнинг ишлаб  
чиқарилиши, уларнинг бадиийлигига, умуман, миллий каштачилик ривожига путур  
етказди. Бухоро миллий катачилик мактаблари ва санъатнинг ўзига ҳос табиий  
бўёқларининг қўлланилиш технологияси, ипакдан тўкилган матоларда  
кашталарнинг қадимий нусхалари тикланаётганлиги барчанинг диққатини ўзига  
тортмода. Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Қорақўл  
туманларида каштачилик мактаблари фаолият кўрсатмода. Бу мактабларда  
кашталарнинг ўзига ҳос белгиларидан бири уларда "Йўрма чоки" маҳорат билан  
қўлланилиши хаворанг, гул ранги, бинафша, пушти, оч сарик, қизил ва кўк  
рангларнинг уюгуллашидир. Бухоро кашталарининг йўрма чоки композицияси,  
тузилиши, гуллари хилма-хиллиги билан фарқ қилади. Ғиждувон кашталари асосан  
оқ, кулранг, малла, табиий рангли карбос, қизил сатин, оқ сурпа тикилган бўлса,  
Бухоро кашталари оқ карбос, рангли адрас, шойи матоларга тикилганлиги билан  
фарқланади.

Зар иплар ва Қорақўл терисидан портрет яратиш бўйича Аслон Рамазонов,  
тош ўймакор Давлат Сафаров, сомон пўстлогидан эсдалик совғалари тайёрловчи  
Акмал Муҳиддинов, тошқоғоздан тайёрланган анжомларга док-бўёқ билан безак  
берувчи Муҳаммадали Ҳамроев, миллий ўйинчоқлар ясовчи Искандар Ҳақимов,  
Қорақўл терисидан миллий ва замонавий устки ва бош кийимлари тикувчи Шарифа  
Ҳалимовалар шулар жумласидандир. Бухоро хунармандларининг яратган санъат  
асарлари бугунги кунда бутун жаҳон эътирофи эътиборига эстетик завқ  
бағишлаётган бойликлардир. Бу асарлар миллатимиз ва вақанимизни дунёга

танитиб миллий қадриятларимизни жами башариятнинг ютуғига айлангирмода.  
Кўз ўнгимизда мустақил Ўзбекистоннинг янги санъати тугилиб келмода, бу санъат  
мустақиллик йўлида бораётган халққа муносиб бўлмоғи керак!

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Булатов "Халқ амалий безак санъати" – Т.: 1991.- 312 б.
2. Г.А.Хакимова. Вышивка шёлком-путь к прекрасному. "Педагогик маҳорат." Назарий ва илмий-методик журнал. Бухоро. 2013. №1 Б.66-69
3. А.Хакимов «Прикладное искусство Узбекистана: традиции и инновации» Т.: 2013. - стр.39
4. Узбекская ручная вышивка - могучая ветвь на древе народного творчества. Молодой ученый. Международный научный журнал. Казань 2016. 1-июнь. №11(115) Б.1623-1625
5. Орнаментальные мотивы узбекской вышивки. "Санъат ва маданият соҳасида узлуксиз таълим: Муаммо ва ечимлар" мавзусидаги республика илмий-амалий семинар материаллари тўплами. Тошкент 2017. 25-апрель Б.135-139